

Ногиронлиги бўлган 13 нафар хотин-қизларга ногиронлик аравачаси ва реабилитация мосламалари топширилди

Республика Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигига тумандаги турмуш шароити оғир ва имконияти чекланган хотин-қизларнинг 9 нафарига ногиронлик аравачаси, 3 нафарига эшитиш мосламаси ҳамда 1 нафарига ҳасса топширилди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосарлари, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, жамоатчилик вакиллари, алоҳида эҳтиёжга эга, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзоларидан вакиллар иштирок этди.



Соғлиги туфайли тадбирда иштирок эта олмаган, ногиронлиги бўлган, Давлатботир қишлоғида яшовчи Зарнигорхон Восидова ҳам албатта эътибордан четда қолмади. Куннинг иккинчи ярмида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Махмудаҳон Камолова унинг яшаш хонадонига бориб, ногиронлик аравачасини топшириб, хонадон аъзолари келди.

-Қизим Зарнигорхон 26 ёшда, - дейди онаси Розияхон Восидова. - Ўзбекистондаги ногирони. Бу ташрифдан, кўрсатилган эътибордан бағоят мамнунмиз. Энди

мушкулимиз анча осонлашди, юрт аёл-қизларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар бардавом бўлсин.

Маълумот ўрнида, 2019 йилнинг 2-чораги давомида ҳам Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигидаги тумандаги 11 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ногиронлик аравачаси ва эшитиш мосламалари берилган эди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-10-30 17:37:13